

---

## ФАРҒОНАДА ТУРКИЯ САРМОЯСИ ИШТИРОКИДА ҚАТОР ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров туркиялик инвесторларнинг бир гуруҳини қабул қилди. “СераMine” компанияси бош директори Айдин Сарибейоглу, “Аккомарка” компанияси вакили Эркин Алкан ҳамда “Dansuk Engineering” компанияси вакиллари Уфук Экиз ва Гокхан Сарибайир билан бўлган учрашувда ушбу компаниялар томонидан Фарғона вилоятида амалга ошириш режалаштирилаётган инвестицион лойиҳалар муҳокама қилинди.

Кўп тармоқли “СераMine” компанияси вилоятимизда темперланган ойна ишлаб чиқариш, тупроқ йўллари инновацион усулда кимёвий аралашмалар билан қаттиқ қопламали ҳолатга келтириш, тежамкор блокли қурилиш модуллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган текстиль маҳсулотларини Европа бозорига олиб чиқиш бўйича лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

7 та ресторан маркасига эга ҳамда Европа, Осиё ва Ўрта шарқ мамлакатларида 40 дан зиёд ресторанлар тармоғини ташкил этган “Аккомарка” компанияси Фарғона шаҳрида турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи Туркия гастрономияси маркази ташкил этишни режалаштирмоқда.

Турар-жой, савдо ва саноат объектлари учун “ақлли” иситиш, совутиш, вентиляция тизимларини лойиҳалаштириш ва уларни ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган “Dansuk Engineering” компанияси, Фарғона вилоятида қуёш панеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласида ҳам ўз лойиҳа концепциясини ишлаб чиқмоқда.

Туркия компаниялари томонидан амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳаларнинг ҳар бири вилоят иқтисодиёти учун фойдали эканига эътибор қаратган вилоят ҳоқими, ушбу инвестицион лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этилишида ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканликларини билдирди.

Жорий йил февраль ойида туркиялик инвесторларнинг вилоятимизга қайта ташрифи давомида ҳамкорлик бўйича музокараларни амалий босқичда давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳам иштирок этди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-01-12 10:45:03